

**РЕАЛ СЕКТОР КОРХОНАЛАРИ МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАРКИБЛАШ
АМАЛИЁТИ АСОСЛАРИ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14287014>

Ибрагимов Сирожиддин Баходирович

Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги

Давлат бошқаруви академияси

мустақил тадқиқотчиси

Аннотация: *Мақолада янги Ўзбекистон иқтисодий тизимининг бозор трансформацияси давлат иштирокидаги реал сектор корхоналарининг молиявий ресурсларини шакллантириш, самарали бошқариш шарт ва тамойилларини сезиларли даражада кўрсатиб берилган.*

Калит сўзлар: *рақобатбардош, капитал, молиявий рисклар, парадигма, гомеостаз, алгоритмлар, концептуал ёндашувлар, инновацион-креатив, молиявий қайта таркиблаш, макродаражада инновациялар, молиявий рисклар, молиявий дастаклар.*

**ПРИНЦИПЫ УЧЕТА ФИНАНСОВЫХ РЕСУРСОВ ПРЕДПРИЯТИЙ РЕАЛЬНОГО
СЕКТОРА**

Сирожиддин Баходирович Ибрагимов

Независимый исследователь Академии

государственного управления под

руководством президента

Республики Узбекистан

Аннотация: *В статье рыночная трансформация новой экономической системы Узбекистана существенно показывает условия и принципы формирования финансовых ресурсов предприятий реального сектора с государственным участием.*

Ключевые слова: *конкурентный, капитал, финансовые риски, парадигма, гомеостаз, алгоритмы, концептуальные подходы, инновационно-креативный, финансовая реструктуризация, инновации на макроуровне, финансовые риски, финансовые рычаги.*

PRINCIPLES OF REAL SECTOR ENTERPRISES RECORDING OF FINANCIAL RESOURCES

Ibragimov Sirojiddin Baxodirovich

*Academy of Public Administration
under the leadership of the president
of the republic Uzbekistan*

Abstract: *The article significantly demonstrates the conditions and principles for the formation and effective management of financial resources of real sector enterprises with state participation in the market transformation of the new Uzbek economic system.*

Key words: *competitive, capital, financial risks, paradigm, homeostasis, algorithms, conceptual approaches, innovative-creative, financial restructuring, innovations at the macro level, financial risks, financial levers.*

КИРИШ

Янги Ўзбекистон иқтисодий тизимининг бозор трансформацияси давлат иштирокидаги реал сектор корхоналарининг молиявий ресурсларини шакллантириш, самарали бошқариш шарт ва тамойилларини сезиларли даражада ўзгартирди.

Давлат иштирокидаги реал сектори корхоналарининг иқтисодиёти, бир томондан, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг молиявий потенциали (қимматли қоғозлар чиқариш, капитал бозоридан қарз олиш, кафолатланган кредитлар ва бошқалар)ни ўстириш учун янги имкониятлар пайдо бўлди, бошқа томондан, эса мураккаблиги ортиб бориши билан тавсифланган ҳал қилинган ва ҳал қилиш учун чекланган вақт уфқлари билан хусусиятланувчи муаммолар (ишлаб чиқаришни қайта қуриш, унинг моддий-техник базасини инновацион асосда янгилаш, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш, миллий иқтисодиётнинг очиқлик даражаси ва бошқалар) доираси сезиларли даражада кенгайди. Ушбу рақобатбардошликни таъминлашга ундовчи ҳолатлар ва бундай янги шароит реал сектор корхоналарининг молиявий ресурсларини самарали бошқариш усуллари ва йўллари такомиллаштиришни талаб этади.

Шунингдек реал сектор корхоналарининг молиявий ресурсларини самарали бошқариш усуллари ва йўллари такомиллаштириш учун қўйидаги вазифалар қўйилди:

- реал сектор корхоналари молиявий ресурсларини самарали бошқариш усули сифатида МҚТА концептуал асосларини такомиллаштириш;

- корхона инновацион тараққиёти ва ривожланишнинг янги молиявий имкониятлари учун молиявий ресурсларни самарали бошқариш.

Дарҳақиқат, реал сектор корхоналарида МҚТА концептуал асосларини такомиллаштириш масаласи ҳаётини зарурият экан, уни таъминлашнинг асосий йўналиш ва истиқболларини илмий асослаш ҳозирда ўта долзарбдир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Реал сектор корхоналарида МҚТА ни йўлга қўйишнинг турли ташкилий моделларини ўрганиш ҳар қандай мамлакат учун муҳим аҳамият касб этади, чунки ҳар қайси моделга оид корпоратив молиянинг ривожланиш қонуниятлари, корхона молиясини давлат томонидан тартибга солиш тадбирлари самарадорлиги, солиқ режими ва унинг рағбатлари тизими, корхона молиявий имкониятлари ривожланиш истиқболлари учун туртки бўла оладиган жиҳатларни ижобий ўзлаштириш мумкин. Ушбу имкониятни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасида корпоратив молия модернизациясининг илк босқичи кузатилаётганлигига қарамай, унга ривожланаётган мамлакатларга хос бўлган реал сектор корхоналарида МҚТАни йўлга қўйишнинг аралаш модели хос эканлигини таъкидлаш билан кифояланиб қолмай, бизнинг фикримизча, «мамлакатимиз миллий менталитетини, бутун жаҳон самимият билан муваффақиятларини тан олаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор жиҳатларини, мамлакатимизда жадал иқтисодий ўсиш суръатларининг таъминланганлигини, мамлакатимизнинг жаҳон миқёсидаги иқтисодий салоҳияти ва инвестицион жалб этувчанлиги ортиб бораётганлигини», «аҳоли турмуш даражаси муттасил яхшиланаётганлигини ҳисобга олиб “Реал сектор корхоналарида МҚТАни йўлга қўйишнинг “махсус моделини” яратиш” га ҳам эътибор қаратиш лозим».

Таҳлил ва натижалар:

Ташқи муҳитни хусусиятловчи тўрт жиҳатни алоҳида ўрганиш лозимки, у давлат қурилишининг типи ва даврдан қатъий-назар корхоналарда молиявий қайта таркибланиш ташкил этиш учун универсал хусусиятга эгадир. Мазкур жиҳатлар тизимнинг элементлари ҳисобланмасада, улар билан ўзаро алоқалар корхоналарда молиявий қайта таркибланиш ташкил этиш тизимини ўрганишда ва такомиллаштиришда ҳисобга олинади. Уларни илмий-назарий жиҳатдан қайта мушоҳада этиш даражасидан ташқи муҳит ўзгариши шароитида реал сектор корхоналарида МҚТАни ташкил этиш тизимини ривожлантиришнинг муқобил вариантларини таҳлил қилишда фойдаланиладиган “бизнес эркинлиги ва соғлом рақобат уйғунлиги”га эришишнинг стратегик вазифаларини ҳал этиш мақсадида корхоналарда МҚТАни ташкил этиш тизимининг ўзига хос “манتيқий модели” яратилишининг аҳамияти, долзарб ва устувор вазифалари белгиланади.

Реал сектор корхоналарида МҚТАни ташкил этиш орқали молиявий ресурсларни самарали бошқаришга янгича ёндашувнинг тизимли тасаввурлари мазмуни 3.1-жадвалда келтирилган.

Бизнинг фикримизча, ушбу тасаввурларни маълум кетма-кетликда нисбий бўйсунувчанликка асосланган занжирли боғланишда ва тескари алоқадорлик тизимини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш лозим. Бунинг натижасида реал сектор корхоналарида МҚТАни ташкил этишнинг “махсус модели”да назарий қарашларни қайта кўриб чиқишнинг ёпиқ кетма-кетлигига риоя этиш талаб этилади: парадигма–гомеостаз– таркиб– доктрина– функциялар– ташкил этиш– алгоритмлар– янгиликлар–

парадигма. Яъни, бошланғич тасаввур – бу генетик тасаввур, кейинги олтита тасаввур тизим амал қилиш механизмини очиб беради, инновацион тасаввур эса занжирни яқунлайди ва унинг янги илмий-назарий парадигмага ўтишига имкон беради.

Реал сектор корхоналарида МҚТАни ташкил этишнинг модели¹

/р	Тасаввур жиҳати	Тасаввур мазмуни ва тегишли тадбирларнинг кутилажак натижалари
	Генетик	Реал сектор корхоналарида МҚТАни ташкил этиш тизими соҳасида илмий ҳамжамият томонидан қабул қилинувчи ёки муҳокама этилувчи фундаментал ишланмалар, фикрлашлар ва терминларга янги таъриф–изоҳлар мажмуини шакллантириш (илмий–назарий парадигма)
	Гомеоста-тик	Реал сектор корхоналарида МҚТАни ташкил этиш тизими тараққиётида давлат, иқтисодиёт тараққиёти, корхона манфаатларини ҳисобга олувчи динамик мувозанат ва барқарорликни ушлаб туриш (гомеостаз).
	Иерархик	Реал сектор корхоналарида МҚТАни ташкил этиш тизими – бу соҳадаги муносабатларнинг субъектлар кесимида таркиблаштириш; таркиб - тизимнинг статистик ҳислатларини акс эттирувчи инвариантли кесимидир.
	Мақсадли	Реал сектор корхоналарида МҚТАни ташкил этиш тадбирлари амал қилишига эришиш орқали “Бизнес эркинлиги ва соғлом рақобат уйғунлиги”га эришишнинг стратегик вазифаларини ҳал этишга эришиш.

Биз молиявий қайта таркиблашни иқтисодиётнинг давлат иштирокидаги реал сектор корхоналарининг самарали молиявий бизнес тузилмасини шакллантириш жараёни сифатида қараймиз, у турли даражадаги назоратга эга бўлган молиявий жавобгарлик марказларини яратиш асосида корхона активлари қийматини ва унинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган. корхона фаолиятини стандарт молиявий-аналитик циклларга бўлиш орқали ижро этилади. Шу билан бирга, асосий илмий тадқиқ жабҳасининг кенгайишини шунда кўриш мумкинки, молиявий қайта таркиблаш нафақат тизимли инқироз шароитида, балки иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари фаолиятини динамик диверсификациялаш шароитида ҳам амалга оширилади.

Шу билан бирга, молиявий қайта таркиблашнинг моҳиятини молиявий ресурслар шаклланиши ва уларни самарали бошқариш мақсадида корхонанинг молиявий бошқарувини қайта ташкил этишнинг илғор усули сифатида ўрганиш, унинг

¹Муаллиф ишланмаси.

функциялари ва давлат иштирокидаги иқтисодийнинг реал сектори корхоналаридаги роли қуйидагиларни кўрсатди:

- корхонанинг молиявий функцияси ва бошқарувини самарали қайта ташкил этиш усули сифатида молиявий қайта таркибланишнинг асосий мақсади - корхонада, молиявий дастаклар, пул оқими ва солиққа тортишни оптималлаштиришга эришиш учун айланма маблағлардан максимал даражада фойдаланиш орқали корхона ичида ҳам, ташқи контрагентлар билан ҳам молиявий ва иқтисодий ўзаро муносабатлар таркибини ўзгартиришдир;

- молиявий компонент корхонанинг барча циклларини қамраб олиши керак ва бу циклларнинг ҳар бирида молиявий функция алоҳида намоён бўлиш шакллариغا эга;

- молиявий функцияни қайта ташкил этишни амалга оширишга илмий ёндашувларни таҳлил қилиш корхонанинг молиявий қайта таркибланиш ташкил этиш босқичларини белгилашдаги номувофиқликларини аниқлашга, шунингдек, босқичлар кетма-кетлигини молиявий функцияни қайта ташкил этиш бўйича таклифлар билан тўлдиришга имкон берди.. Молиявий функцияни қайта ташкил этишнинг барча таклиф қилинган босқичларини амалга оширгандан сўнг, муваффақиятли бизнес стандартларига асосланиб, аниқ белгиланган мақсад ва мезонларга мувофиқ янги молиявий функцияни шакллантириш мумкин.

Давлат иштирокидаги иқтисодийнинг реал сектори корхоналарида МҚТани шакллантирувчи ва амалга оширувчи молиявий инструментлардан самарали фойдалана билиш корхонага ташқи муҳитдаги ўзгаришларга ўз вақтида жавоб бериш, рақобатбардош бўлиш ва корхонанинг фаолият доирасини кенгайтириш имконини беради.

Тадқиқот доирасида биз давлат иштирокидаги иқтисодийнинг реал сектори корхоналарида МҚТани шакллантириш ва амалга оширишга таъсир этувчи омиллар тизимининг таснифини ишлаб чиқдик. Корхонанинг ривожланиши ва ўсиши махсус ишлаб чиқилган МҚТА механизмларини талаб қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28 январь 2022 йилдаги “Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги №ПФ-60-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 июль 2022 йилдаги “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги №ПФ-165-сонли Фармони.

3. Т.М.Ахмедов. и др. Региональная экономика: Учебное пособие. – М.: Изд. РЭА им.Г.В.Плеханова. 2006. 231 с.

4. А.Н.Дилмурадov Саноат зоналарини ривожлантириш ҳудудларнинг инновацион салоҳиятини оширишнинг муҳим омили//Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Саноат зоналарини ривожлантириш бошқармаси бошлиғининг маърузаси. 2020 йил 17 декабрь <https://mineconomy.uz/ru>.

5. What Makes a Top Class Industrial Park [Электронный ресурс]. – <http://rightsite.asdia/en/article/what-makes-top-class-industrial-park-china>

6. Официальный сайт индустриального парка Milton Park [Электронный ресурс]. – <http://www.mepc.com/miltonpark/Home.aspx>

7. А.У.Бурханов. Саноат тармоқларини ривожлантириш – мамлакат барқарор иқтисодий ўсишини таъминловчи муҳим омил. Иқтисодий ўсиш ва иқтисодиётни мувозанатли ривожлантиришнинг муҳим омиллари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент. 2011. 153- 155-б.

8. Е.В.Михайлова. Финансовые рынки и их формирование СПб.: СПУЭиФ, 2001, с-357.

9. Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

10. Интернет сайтлари. www.mf.uz , www.stat.uz , www.mineconomy.uz